

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2018 —
апрель

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Х.МУХАММЕДОВА Викториан инглиз адабиётида аёл тақдирининг акс эттирилиш.....	73
ТИЛШУНОСЛИК	
К.КАРИМОВ Маданиятлараро мулоқот ва таржима муаммолари.....	76
У.НОСИРОВА Поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари	80
Н.АХМАДЖОНОВ Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир	83
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Д.ОХУНОВА Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантириш асослари	86
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
А.ЎРИНОВ, Ф.ФОЗИЛОВА Коеффициенти узилишга эга бўлган оддий дифференциал тенглама учун умумлашган спектрал масала	89
Ш.КАРИМОВ, Л.РАХИМОВА Векуа-Эрдей-Лоундес типига янги алмаштириш операторларни қуришнинг бир усули ҳақида.....	92
Х.ШОДМОНОВ, Ш.АКРАМОВ Қанд лавлаги – қимматбаҳо техник экин.....	94
А.ҚАМБАРОВ, А.НУРМУҲАММАДЖОНОВ Шайх Акбар (Улуғ Шайх)нинг диний-фалсафий меросига бир назар	97
У.НАЗИРОВ Бадий маданият: мазмун-моҳияти, структура ва функциялари.....	100
А.КОСИМОВ XX аср ўзбек ва рус адабиётида тинчлик ва инсон тушунчаси (талқини ва тадқиқотлари).....	102
Д.ХУСЕНОВА Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сида шарқона қарашлар ҳамоҳанглиги	105
А.МАМАТОВ, Р.АХРОРОВА Концептнинг тоифалари.....	108
К.ХОДЖАХАНОВА Мактаб ўқувчиларида натурадан расм ишлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари.....	110
Б.ҚУРБОНОВА Ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини тасвирий санъат орқали тарбиялаш омиллари.....	113
Н.МЕРГАНОВА Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти.....	115
Э.ДЖАББАРОВА Модуляр таълим инновацион таълим сифатида	118
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ Узлуксиз таълим жараёнида тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари	121
АДАБИЙ ТАҚВИМ	
Ибратли ҳаёт йўли.....	124
ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография.....	127

ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР НЕМИС ХАЛҚИ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИДИР

Н.Ахмаджонов

Аннотация*Мақолада немис тилидаги фразеологизмларнинг келиб чиқиши ва қўлланиши ёритилган.***Аннотация***В статье освещается вопрос происхождения и употребления фразеологизмов в немецком языке.***Annotation***This article discusses the origin and use of German language phrazeologisms.*

Таянч сўз ва иборалар: семантик бирликлар, фразеологик оборотлар, иборалар, маталлар, мақоллар, фразеологик бирлик, фразеологизмлар, миллий маданият, лексик маъно, фразеологик бирикмалар, семантик компонентлар.

Ключевые слова и выражения: семантические единства, фразеологические обороты, выражения, поговорки, пословицы, фразеологическое единство, фразеологизмы, национальная культура, лексическое значение, фразеологические сочетания, семантические компоненты.

Keywords and expressions: semantic units, phrazeological constructions, expressions, proverbial phrases, proverbs, phrazeological unity, phrazeologisms, national culture, lexical meaning, phrazeological connections, semantic components.

Тилларни ўрганиш – бу дунёни билишнинг муҳим усулларида биридир. Чунки айнан тил ёрдамида тарихий ва маданий мерос бир авлоддан иккинчи авлодга ўтади. Тарихда у ёки бу халқнинг анъаналари ёки маданий одатларини билмаслик жиддий миллий тўқнашувларга олиб келганлиги тўғрисида жуда кўп маълумотлар мавжуд. У ёки бу халқ тилининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда таркибий қисмларини (компонентларини) ўргана туриб, биз бошқа тилда гапирувчи одамларни яхшироқ тушуниш, ўз фикрларимизни аниқроқ ифодалаш, натижада халқлар ва мамлакатлар ўртасида бир-бирига тўғри келадиган ҳар томонлама етук ва дипломатик муносабатларни ўрнатиш имкониятига эга бўламиз.

Ҳар қандай чет тилини ўрганишда мазкур халқнинг тарихи ва маданияти билан яқинлашиш ҳосил бўлади. Ҳар қандай тилнинг муҳим таркибий қисми фольклор ҳисобланади, яъни маталлар, идиомалар, мақоллар ва ш.к.лар.

Фразеологизмлар – бу, асрлар давомида шаклланган ҳамда кўп авлодлар ҳаётининг турли жиҳатларини акс эттирувчи халқ донишмандлиги, тарихий тажрибасининг ўзига хос жамламасидир. Фразеологизмлар маъносини тушуниш тили ўрганилаётган мамлакат одамларининг меҳнат фаолияти, турмуши ва маданияти, бир сўз билан айтганда, ҳаёти тўғрисида тўлиқ эга бўлиш имконини беради. Фразеологизмлар, мақоллар ва маталлар маъносини

тушуниш, улардан гапиришда (нутқда) аниқроқ ва тўғрироқ фойдаланиш имконини яратади, нутқга такрорланмас хусусият ва ўзгача маънодорлик бахш этади.

Ҳар қандай халқнинг тарихини билмай туриб, унинг ҳозирги кунини тушуниш, ўтмишини кўриш мумкин эмас. Фразеологизмларнинг кўпчилиги халқнинг ўзига хос миллий хусусиятларини акс эттириб, ўз моҳияти билан халқ тарихи, унинг ҳаёти, урф-одати ва анъаналарига кириб кетади.

Аввало, лексикада мазкур халқнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган ижтимоий тажрибалари акс эттирилган. У ёки бу лексик бирликларнинг борлиги амалий эҳтиёжлар билан изоҳланади.

Масалан, маълум халқнинг фразеологияси ва унинг ривожланишининг маданий-тарихий ҳоссалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик билан, масалан, мўғул тилларидаги кўчма ҳаёт, туя, отда юриш тушунчалари билан алоқадор бўлган кўп миқдордаги фразеологизмларнинг борлигини тушунтириш мумкин. Бу ҳолат эса славян тилларига тўғри келмайди.

Италян ва испан тилларида католиклар черкови маросимлари ва рамзлари билан боғлиқ бўлган черковга оид фразеологизмлар кенг тарқалган, чунки черков халқнинг ҳаётида доим муҳим ўрин олган. Немис тилида пул тизими ҳамда Германияда ҳарбий ишнинг ривожланишини акс эттирувчи идиомалар

Н.Ахмаджонов – ФарДУ факультетлараро чет тили кафедраси ўқитувчиси.

айниқса кўп. Инглиз тилида – денгиз билан боғлиқ бўлган фразеологизмлар талай бўлиб, инглиз сўзлашув тилига эса ов, пойга билан боғлиқ кўп идиомалар кирган. Шундай қилиб, бирор халққа муҳим бўлган семантик майдон, бошқасига мутлақ тўғри келмаслиги (муҳим бўлмаслиги) мумкин.

Иккита миллатнинг маданияти ҳеч қачон бир-бирига тўлиқ мос бўлмайди. Академик Л.В.Щерба таъкидлашича, икки тилдаги тушунчалар бир-бирига тўғри келмаслиги сабабли, чет тилини ўрганишда нафақат сўзларнинг янги оҳанг шаклини, балки уларнинг асосида ётган янги тушунчалар тизимини ҳам ўзлаштириш керак [1.76].

Фразеологизмларнинг регионал географияга оид аҳамияти учта қисмдан иборат:

1. Миллий маданиятнинг барча элементлари билан акс эттирилиши, яъни бошқа маданиятларда ўхшашликлар йўқ.

Wissen, wie der Hase läuft – ишнинг кўзини билмоқ

Auf den Hund kommen – тубанлашмоқ, қашшоқлашмоқ.

2. Миллий маданиятнинг ўз таркиби бирликлари билан акс эттирилиши.

Aus einer Mucke einen Elefanten machen – пашшадан фил ясамоқ

Aus dem Augen, aus dem Sinn – Кўздан нари, юракдан ташқари (меҳр кўзда)

3. Миллий маданиятнинг ўз тимсоллари билан акс эттирилиши, чунки келиб чиқиши туфайли эркин сўз бирикмалари маълум урф-одатлар, удумлар, турмуш ва маданиятнинг тафсилотлари, тарихий воқеалар ва кўпгина бошқа нарсаларни таърифлаш.

Schwarzes Schaf (қора қўй); auf der Barenhaut liegen (айиқ терисида ётмоқ).

Қора қўйнинг тимсоли қандай пайдо бўлиши мумкин эди? Унча катта бўлмаган тарихий маълумотнома бизга буни тушунишда ёрдам беради. Мерин қўйларининг Германияга олиб келиниши чорвачиликни ривожланишига ёрдам берар эди. Бу қўйларнинг жуни одатда оқ рангда бўлар эди. Шунинг учун қўй подаси орасидаги қора қўй ўзининг ранги билан кескин ажралиб турар эди. Ушбу, чамаси, турғун иборанинг асоси бўлди. Бу фразеологизм – одамга берилган салбий баҳо воситаси, бирорта салбий сифатлари бўйича атрофидагилардан кескин ажралиб туришини кўрсатади.

Тацит, қадимий германияликларнинг турмушини баён этишда маълум қилишича, эркак-жангчилар жанглар орасидаги

танаффусларда ўз хужраларида айиқлар териси устида ётишар экан. Шулардан “auf der Barenhaut liegen” – (ҳеч нарса қилмаслик, дангасалик) фразеологик ибораси тарқалган.

Замонавий немис тилининг фразеологик таркибида, бошқа тиллардаги сингари, ўзининг келиб чиқиши билан қадимий урф-одатлар, ривоятлар, аломатлар билан боғлиқ бўлган фразеологик гуруҳи мавжуд. Ўхшаш фразеологик бирликларни тушунишнинг иложи бор, агарда уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ёзма ёдгорликларда акс эттирилган ёки ҳозирги вақтга халқ орасида сақланиб қолган бўлса.

Das Abendmahl darauf nehmen – (сўзма-сўз) бирор нарсага онт ичмоқ. Бу фразеологизм ўзининг келиб чиқиши билан ўрта асирлардаги удум, айбини исботлаш қийин бўлган айбланувчи киши одатда қилган гуноҳлари учун “худо томонидан бериладиган жазо”га йўлиқар эди. У бир бўлак қотган нон ёки пишлоқни ютиши керак эди ва у буни осонликча бажарадими ёки ютган нарсаси унинг томоғида тиқилиб қоладими, шундан унинг айбдорлиги ё айбсизлиги ҳақида қарор қабул қилинар эди.

Den Stab uber jmdn brechen – кимгадур ҳукм чиқармоқ, (айнан) бирор-кимса устида калтак синдирмоқ. Бу ибора қадимий германиялик суд жараёнига бориб тақалади. Ўлимга ҳукм қилинганга қатл олдида тантанали равишда ҳукм ўқилиб, судья ёғоч таёқни уч қисмга бўлиб, жазога ҳукм этилганнинг оёғи олдида: *Nun hilf dir Gott, ich kann dir nicht helfen* (энди сенга худо ёрдам берсин, мен сенга бошқа ёрдам бера олмайман) сўзлари билан ташлар эди. Бу ҳаракат олдинга ёқимсиз маросим тугаганлигини билдирарди: суд тугади, жиноятчи маҳкум қилинди.

Bei jmdm in der Kreide stehen (кимнингдир бўри (мели) устида турмоқ) – 1) кимдандир қарз бўлмоқ, 2) (кўчма- тўғри маънода эмас) кимнингдир олдида қарздор бўлмоқ. Фразеологизм кичик ресторан эгаларининг у ёки бу мижоз томонидан бир кечада ичган кружкадаги пиво сонини бўрда ёзиш одатлари ҳақида эслатади.

Einen Korb bekommen. Jmdm. einen Korb geben (сават олмоқ, кимгадир сават бермоқ)- 1) рад жавобини олиш, куёв бўлмишга рад жавобини бериш, (айнан) сават олмоқ, кимгадир сават бермоқ). Ушбу фразеологизм эски одат бўлиб, унинг маъноси шундаки – рад жавоби берилган куёв бўлмишга деразадан таги чириган сават

ТИЛШУНОСЛИК

ташланар эди ва у саватда кўтарилаётганда таги тушиб кетиб, куёв бўлмиш кўтарила олмас эди. 17 -- 18-асрларда бу одат бир қанча ўзгарди: келин бўлмиш тўғри келмаган куёв бўлмишга умуман таги йўқ сават юборар эди. Замонавий немис тилида бу ибора жуда кенг маънода ишлатилади: кимгадир рад жавобини бермоқ, бирор нарсадан бош тортмоқ, рад жавобини олмоқ.

Den Teufel an die Wand malen – (сўзма-сўз кимнидир қўрқитиб) турли-туман даҳшатларни тасвирламоқ, (айнан) деворда иблис расмини чизмоқ. Иборанинг асосида қадимий ривоят ётади ва унга биноан иблиснинг номини айтиб, бирорта фалокат ёки уни ўзини чақириш мумкин. Ибора 16-асрдан буён ишлатилиб келинмоқда.

Hals-und Beinbruch! – муваффақият тилайман! Ишингиз ўнгидан келсин! (айнан) бўйнингни ва оёғингни синдиarmoқ. Бу фразеологизм халқ ривояти билан боғлиқ; бирорта одамдан бахтсизликни қайтариш учун, унга уни тилаш керак.

Jmndn ins Bockshorn jags – фразеологизми жуда қадимий. Унинг дастлабки адабий қайд қилиниши 15-асрга тааллуқли. *Bockshorn* оти бир неча маънога эга: 1) кўйнинг шохи, 2) пожитник (ўсимлик номи). Лекин фразеологизмни ўзи на кўй шохига, на ўсимликнинг номига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Немис лингвистларининг эътирофича, Ф.Дорнзайфнинг тушунтиришича фразеологизмнинг тимсоли пасха(диний байрам)га гулхан ёқиш аънанасига бориб тақалади. *Bockshorn* - Гарцдаги пасхал гулханларининг номи (*Name des Osterfeuers im Harz*).

Eine ruhige Kugel schieben сўзл. такаллуфсиз 1) енгил ишни қилмоқ, осойишта ишда бўлмоқ, 2) жонини койитмай ишламоқ, шошилмасдан (айнан, шарни шошмасдан итариш). Гап кегли ўйини тўғрисида бормоқда.

Кегли ўйининг ватани – Германия, у ерда бу ўйин XVII-XVIII асрлардан бери маълум. Ўйиннинг мақсади – оз миқдордаги шарларни қўл билан юмалатиб (одатда ёғоч полда),

майдонда маълум тартибда териб қўйилган кўп миқдордаги ёғоч ёки пластмасса шакллар уриб йиқитилади. XIX – XX асрларда кегли кўп мамлакатларда фақат эрмак учун ўйин бўлиб қолмай, оммабоп спорт ўйинига айланди.

Alle neune! Бўлди! Тайёр! Ҳаммаси охиригача! (айнан: тўққизтанинг ҳаммаси; ҳамма шакллар уриб туширилганда, кегли ўйинидаги хайқирув). Бу гапда ибора “ҳаммаёқни охиригача бажариш” маъносида ишлатилади [2.72].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фразеологик бирликларнинг қиммати шундаки, улар чуқур маънога эга. Оддий шаклнинг орқасида кўпинча нафақат инсон тажрибаси, балки шу тил эгаси бўлган халқ ҳаётининг шароитлари – унинг тарихи, маданияти, фалсафаси, қонунлари, мамлакат географияси, яъни маданий-миллий таркиби сақланади. Фразеологизмлар тегишли жамият ва тегишли маданиятда қадрланадиган ёки қораланадиган одамнинг маълум юриш-туриш тарзи, шунингдек, хусусиятлари, фазилатлари ва камчиликларини акс эттириб қолмай, балки шакллантиради ҳам. Миллий хусусиятнинг маълум сифатлари тилда у ёки бу томондан намоён бўлади ва одам, болалигидан она тилининг лексикаси, идиоматикаси ва грамматикасини ўзлаштириб, ўзи билмаган ҳолда атрофидаги дунёни ва шу дунёдаги ўзини шу тилда гапирувчи одамлар сингари қабул қила бошлайди. Немис фразеологияси немисларнинг феъл-атвори хусусиятлари ва хулқини акс эттириб қолмай, одамни миллий аънаналар доирасида тарбиялайди.

Фразеологик мувофиқликларни солиштириш, тил эгаларининг хулқ-атворидаги фарқли хусусиятларини намоён қилиб қолмай, балки уларнинг жонли фикр юритиши ҳақида ҳам маълумот беради.

Фразеологизмлар маъносини тушуниш туфайли ўрганилаётган тил мамлакат одамларининг меҳнат фаолияти, турмуши ва маданияти, бир сўз билан айтганда, ҳаёти тўғрисида тўғрироқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Немецко-русский фразеологический словарь. Тузувчилар Л.Э.Бинович ва Н.Н.Гришин. – М.: “Русский язык”, 1975
2. С.Г.Тер-Минасова. Язык и межкультурная коммуникация. – М., 2000.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).